O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
11 июль
ЧОРШАНБА

№ 56
(11.963)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади



## ДЕҲҚОННИНГ ҒАНИМАТ КУНЛАРИ

**Айни дамларда пахтакор меҳнатининг чинакам долзарб ва масъулиятли паллалари бошланаяпти. Ҳозир деҳқоннинг ҳар бир ҳаракати ҳосилга ҳосил қўшиш, пировардида хирмонга барака киритиш учун муҳим замин бўлиши аниқ. Буни яхши англаган деҳқон борки, бу кунларни ғанимат санайди, фурсатни бой бермайди.**

Ана шундай уқувли, омилкор заминдорлар Пскент туманида ҳам кўплаб топилади. Уларнинг саъй-ҳаракати, ўз навбатида, туманда аграр соҳанинг муҳим тармоқларини тизимли равишда ривожлантиришга етарли шарт-шароитларнинг яратиб берилаётгани боис, ўтган мавсум туман пахтакорлари аввалги йиллардан фарқли ўлароқ меҳнат зафарларини қўлга киритдилар.

Пскентлик фермер Холмурод Каримов тасарруфида 142 гектар экин майдони бор. Унинг 90 гектарига эрта кўкламда С 65-24 навли чигит экилган. Чигит ерга тушгандан буён босқичма-босқич ўтказилаётган агротехник ишловлар самараси бугун ғўзаларнинг тик ва дуркун бўй-бастида акс этган. Деҳқонлар ғалвирни сувдан кўтарар вақтда 30-32 центнердан ҳосил олишни кўзлаб туришибди.

– Бунинг учун пухта замин қўймоқдамиз. – дейди фермер Холмурод Каримов. – Экинни ҳозиргача 3 марта озиқлантирдик. Хусусан, ҳар гектарга белгиланган миқдорда селитра, аммофос ва калийли озуқа, ҳамда 3 тоннадан маҳаллий ўғит бердик. Шу тариқа тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экиннинг баравж ривожланишига эришаяпмиз.

Хўжалик аъзоларининг айтишича, ҳар гектарда ўртача 110 мингта кўчат бор. Уларнинг ҳар бирида ҳозирча 4-5 тадан бўлиқ кўсак, 9-10 тадан шох, 10-12 тадан гул мавжуд. Деҳқонлар бор уқув ва тажрибаларига таяниб, куч ва имкониятларини аямай ана шу нишоналарни тўлиғича сақлаб қолиш ҳаракатидалар.

– Умуман, мавсум омадли ўтаяпти, – дейди фермер. – Якунланган пилла, ғалла мавсумида ҳам юзимиз ёруғ бўлди. Эл-юрт хирмонига 125 тонна дон етказиб бердик. Ҳосилнинг салмоқли қисми фойдага қолди. Насиб бўлса, галдаги асосий мавсум – пахта йиғим-теримида ҳам юқори натижаларга эришамиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА:**
фермер Холмурод Каримов (чапда) хўжалик механизатори Шаҳзод Ёдгоров билан навбатдаги ишлов чоғида.
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Мустақилликнинг 16 йиллигига*

**"Ҳой болалар, пультни қаёққа йўқотдиларинг?" Зумда топиб келтиришди. Телевизорга "буйруқ" берар эканман, 20 йилча бурун – ўзим бола бўлган пайтларда – уйимиз тўрида турадиган баҳайбат телевизорни эсладим.**

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚИЁСДАГИ ИНЪИКОСИ

Телевизорда нимаики қизиқ кўрсатув бериладиган бўлса, қўшни болалар бизникига келиб кўришарди. Бизники рангли эди-да. Рангли телевизорнинг томошаси қизиқроқда!.. Етмишдан ортиқ хонадон яшайдиган "дом"имизда фақат битта рангли телевизор бўлар эди.

Ҳозир бундай "матоҳ" билан ҳеч кимни ажаблантириб бўлмайди. Ҳамюртларимиз телевизор ёки автомобиль харид қилиш учун йиллаб навбатга турган пайтларда ривожланган мамлакатларда деярли ҳар бир хонадонда телевизору машина бўлганлиги ҳақидаги гапларга ишониш қийин эди. Микротўлқинли печь ёки пульт билан бошқариладиган бошқа маиший техника, бу ёғини сўрасангиз, компьютерларни эса орзу ҳам қилиб бўлмасди. Билмаган ва кўрмаган нарсасини нечук орзу қилсин киши!

Ушбу сатрларни ёзар эканман, бир танишимнинг гапи ёдимга тушди. Уларнинг ташкилотига японлар келишибди. Меҳмонлар қабулхонада ўтиришганида, ичкаридан бошлиқнинг зўр бериб бақираётгани эшитилади. "Кимни уришяпти каттангиз?" дейишибди котибага. "Вазирлик билан гаплашяптилар", дебди қиз. "Телефонда гаплашиб қўя қолсалар бўлмайдими?" дейди японлар. Илгари телефон алоқаси шунақа бўлган, десангиз бугунги ёшлар ишонмайди. Қишлоқларда шу шароит ҳам йўқ эди.

Бугун Қизилқумнинг ўртасида туриб ҳам дунёнинг исталган жойи билан гаплашиш мумкин. Замон илгарилаб кетди, технологик тараққиёт узоқни яқин қиляпти, десак, бор гапни айтмаган бўламиз. Чунки, технологик тараққиёт истиқлолимиздан илгари ҳам бўлган. Фақат биз цивилизациянинг бундай неъматларидан бебаҳра эдик. Талаб кучли бўлиб турганда таклифни ошириб, иқтисодиёт ғилдирагини чир айлантириб, гуркираб ривожланиш мумкин бўлган шароитда "режали бошқарув" туфайли сунъий танқисликка гирифтор этилган эдик. "Ҳамма тенг бўлиши керак!" Аслида ҳам шундай эди: қашшоқликда ҳеч ким бири-биридан қолишмас эди. Бойлик, фаровонлик ҳақида гап кетса, комфирқанинг лабига учуқ тошарди. Сабаби: фақир элни бошқариш осон-да.

Бугун нимаики истасанг, бари муҳайё. Кўплаб русумдаги замонавий автомобилларни, маиший техника воситаларини, компьютерларни ўзимиз ишлаб чиқаряпмиз. Сон-саноқсиз дўконлар пештахтаси товарнинг кўплигидан синай дейди. Компьютер, принтер, тюнер, жалюзи, жакузи, MP3 player, DVD... Илгари шулардан бирортасининг номини айтиб, изоҳ сўрасак, тайинли жавоб берадиган одамнинг ўзи кам эди. Энди даладаштда қўй боқиб юрган чўпон ҳам шаҳардаги талаба ўғли билан отидан тушмай гап сотиши ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди.

(Давоми 2-бетда).

**– Баъзида невараларимдан «Ватанпарварлик деганда нимани тушунасиз?» дея сўраб қоламан, – дейди янгийўллик Мамлакат ая. – Улар саволимга мактабида ўқитувчисидан ўрганган ёки китобдан ўқиганларидан келиб чиқиб жавоб беришади.**

## ИЗЛАНГАН ИМКОНСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бири армияда хизмат қилиб, йигитлик бурчини ўташни ватанпарварлик деб билади. Бошқа бири эса бу туйғуни спортчи ака-опаларининг Жаҳон ёки Осиё чемпионатларида ғалаба қозониб, юрт шаънини улуғлаётганликларига қиёслайди. Мен уларнинг равон фикрлашидан завқланиб «чет элникига ружу қўймасдан, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кийиш, ебичишга интилишингиз ҳам ватанпарварлик ҳисобланади», дея қўшимча қилиб қўяман.

Мамлакат аянинг панд-насиҳатлари билан бажараётган иши бир. Айтаётган сўзига ўзи амал қилишга одатланган. Айниқса, хонадонига кириб келаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзимизда ишлаб чиқарилганлигига эътибор беради. Келинларидан эса таомни ўзи яшайдиган Янгийўлнинг ёғидан тайёрлашга ундайди.

Дарҳақиқат, хорижий инвестиция иштирокидаги «Янгийўл ёғ-мой» очиқ акциядорлик жамияти жамоасининг мамлакатимиз озиқ-овқат саноатида, халқимиз дастурхонини файзли, тўкин қилишда муносиб ўрни бор. Давр билан ҳамнафаслик, ҳар бир йилни муваффақиятли якунлаш, халқимиз эҳтиёжи учун сифатли ёғ ва ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маҳсулот ҳажми ҳамда турини йил сайин кўпайтириб бориш жамоа ишчи-хизматчилари, муҳандис ва технологлари учун анъанага айланган.

(Давоми 2-бетда).

## МАРАФОНЧИЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

**Ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

Ёшларнинг фикр-мулоҳазалари, мақсад ва интилишларини ўрганиш, муаммоларини бартараф этишда жойларда ташкил этиладиган ўзаро фикр алмашиш, амалий баҳс ва мулоқотлар муҳим ўрин тутади.

Жорий йилнинг 10 июль куни бошланган "Истиқлол карвони" мавзуидаги ёшлар марафони ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад истиқлолимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш, улар ўртасида тинчлик, эзгулик, соғлом турмуш тарзи каби олий неъматларни кенг тарғиб қилиш ҳамда йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишдан иборатдир.

"Истиқлол карвони" марафонининг дастлабки иштирокчилари Сирдарё вилоятига жўнаб кетди.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## УЛАР МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг пленуми бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари мутасаддилари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.**

Бугунги кунда юртимизнинг салкам ўн мингга яқин маҳалласида, овулларида, қишлоқ фуқаролик йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият олиб бормоқда. Хотин-қизлар ва ёшлар онгу-шуурига миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, диний бағрикенглик туйғуларини чуқурроқ сингдириш, маҳаллаларда осойишта ва барқарор маънавий муҳитни мустаҳкамлашда уларнинг ҳам ҳиссаси бор. Айни пайтда қўмита ташаббуси билан махсус ўқув курслари, семинар машғулотларининг мунтазам ташкил этилиши Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиз туманларидаги хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Анжуманда эришилган ютуқлар баробарида камчиликлар, жумладан, хотин-қизларни соғломлаштириш, ёш оиланинг маънавий, ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали айрим ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳал этилиши зарур бўлган долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада тегишли вазирликлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш кенг самара бериши таъкидланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ БИЗНЕС ФОРУМИ

**Хитой Халқ Республикаси молия вазири Цзинь Женьциннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 9 июль куни пойтахтимизда Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва ХХР Халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, савдо-саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, нефть-газ, қурилиш, машинасозлик, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Форумда хитойлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Хитой мамлакатимизнинг ишончли ҳамкорларидандир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда қарийб 698 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг январь-май ойларида эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 92 фоиз ошиб, 300,76 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистондан Хитойга энергия ресурслари, нефть ва нефть кимёси маҳсулотлари, пахта толаси, ипак, ўғит, мева-сабзавот каби маҳсулотлар экспорт қилинади. Хитойдан эса мамлакатимизга механик ва электрон ускуналар, оптик аппаратлар, дори-дармон, тўқимачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса буюмлар, рангли ва қора металлар, ёғоч ва ёғочдан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинади.

Анжуманда Хитойнинг йигирмага яқин фирма ва компанияси вакиллари иштирок этди. Хусусан, "Hangzhou Textile Machinery" (ипакни қайта ишлаш ускуналари), "Jiangsu Huangpu Investment (Group)" (сармоя компанияси), "Jiangsu Changfa Industrial Group" (қишлоқ хўжалиги техникаси, двигателлар, совутиш қурилмалари), "Zhejiang Senken Industrial Stock" (автомобиль савдоси), "Jiangsu Yueda Yancheng Tractor Manufacturing" (трактор ишлаб чиқариш) каби компаниялар Ўзбекистон бозорида ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятида эканлиги таъкидланди.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, нефть-газ, банк-молия тизими, машинасозлик, қурилиш, тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, жумладан, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакилларининг ўзаро музокаралари бўлиб ўтди. Унда хитойлик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги, электротехника, енгил саноат, қурилиш ва машинасозлик каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

### ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА

**Сўнгги бир йил ичида Оҳангарон шаҳрида уй меҳнати билан шуғулланаётган аёллар учун 100 дан ошиқ иш ўринлари барпо этилди.**

– «Оҳангаронцемент» очиқ акциядорлик жамияти ҳомийлигида уй шароитида тикувчилик, каштачилик ҳамда зардўзлик билан шуғулланаётган аёлларимиздан 10 га яқини иш билан банд бўлди, – дейди «Бахт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Соҳиба Дадабоева. – Уларнинг аксарияти корхона томонидан маҳалламизда ташкил этилган тикувчилик цехида фаолият юритаётган бўлса, баъзилари маҳалла ва даҳаларни ободонлаштириш билан шуғулланишяпти.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

**«Ўзэлтехсаноат» ассоциацияси таркибида 28 та корхона бўлиб, ҳозирда уларда радиоэлектроника, электротехника саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Трансформаторларнинг янги замонавий намуналари ҳам тайёрланмоқда.**

### ТАРМОҚДА ПЕШҚАДАМ

Бу соҳада «Чирчиқ трансформатор заводи» очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда. Корхона авваллари ҳар бири 25 минг киловатт кучланишга эга бўлган трансформаторлари билан машҳур эди. Эндиликда янги замонавий қурилмаларга талаб кучайди. Буни инобатга олиб, заводда 63 минг киловаттли трансформаторлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

**Оҳангарон тумани марказий шифохонаси томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматдан кўпчилик баҳраманд бўлмоқда.**

### ТЕЗКОРЛИК ВА ҲУШЁРЛИК БИЛАН

Шифохонанинг тез тиббий ёрдам бўлими таркибидаги шахобчалар тез ёрдам машинаси билан таъминланган бўлиб, улар учун етарли миқдорда дори-дармон ажратилмоқда. Бу жараёнга шифохона ҳузуридаги ички дорихоналар ҳам жалб этилди.

Яқиндан бошлаб, Ангрен ва Олмалиқ йўлидаги довон қисмида ҳам тиббий хизмат кўрсатиш шахобчасининг фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг учун қўшимча транспорт воситаси ажратилди.

**Акром АЛИМОВ.**

### «МЕН ПАСПОРТ ОЛДИМ»

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши биносида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, болаликдан ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бир гуруҳ ёшларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбир Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан ташкил этилди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган 105 нафар ёшлар фуқаролик паспортини олишди.

Мазкур тадбирни ўтказишда вилоят ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлик қилишди.

Шу куни иштирокчилар Мустақиллик майдонига келиб, сўнгги йиллар бу ерда олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

# ИЗЛАНГАН ИМКОНСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Анъанага содиқ ҳолда ўтган йили фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил қилиш, хусусан, маркетинг ва менежмент асосларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, корхона экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотлар сифатининг янада яхшиланишига доир қатор тадбирлар амалга оширилди. Натижада ўтган йил якунлари бўйича корхонада 2005 йилга нисбатан 16580 тонна кўп, яъни 80873 тонна техник чигит қайта ишланди. Ўсиш суръати олдинги йилга нисбатан 125,8 фоизни ташкил этиб, 14550 тонна ёғ, шу жумладан, 12898 тонна тозаланган ёғ, 35704 тонна шрот ва 25837 тонна шелуха ишлаб чиқарилди. 2006 йилда техник чигитни қайта ишлаш самарадорлиги 2005 йилга нисбатан сезиларли даражада оширилишига эришилди. Қайта ишлаш чоғида хом ашёнинг табиий йўқолиши ўтган йилга қараганда 6,09 фоиз ўрнига 5,90 фоизни ташкил этди.

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда уни экспорт қилиш ҳам асосий мезон ҳисобланади. Ана шуни тўғри англаган корхона жамоаси ўтган йили хорижий давлатларга салкам 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган 364 тонна қадоқланган пахта ёғи ва 940 тонна хўжалик совунини экспорт қилди. Шунингдек, ўтган 2006 йил давомида истеъмолчиларга жами 12309 тонна ўсимлик ёғи етказиб берилган бўлса, унинг 4721 тоннаси биржа савдолари орқали, 734 тоннаси хўжаликларга, 800 тоннаси давлат захирасига, 364 тоннаси экспортга, 2310 тоннаси тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотилди. Етказиб берилган 30693 тонна шрот маҳсулотининг 23787 тоннаси, 25837 тонна шелуханинг 16283 тоннаси бевосита фермер хўжаликларига тарқатилди. Бу маҳсулотларнинг қолган қисми биржа савдолари ҳамда фирма дўконлари орқали, чорвачилик билан шуғулланувчи хўжаликларга шартномалар билан етказиб берилди. Шу билан бирга ўтган йили 1470 тонна хўжалик совуни савдога чиқарилди.

– Ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида лабораториялар учун янги қуритиш шкафи, чигит таркибидаги намликни ўлчаш асбоблари, намуналарни ўлчаш учун электрон тарози, кимёвий таҳлиллар ўтказишга мўлжалланган буюмлар, кимёвий моддалар харид қилинди, – дейди жамият бошқаруви раиси Э. Ибрагимов. – Лаборатория хоналари қайтадан жиҳозланди.

Шунингдек, корхона ускуналарини замонавий, кам чиқим анжомларга алмаштириш мақсадида экстрация бўлимига «СКЕТ» фирмасининг 10 та қасқонли тостр ускунаси ўрнатилди. Барча тизимлар, қувурлар термоизоляция қилинди. «Армстронг» фирмасининг конденсат тўпловчи 8 дона мосламаси олиб келиб ўрнатилганлиги ҳам катта янгилик бўлди. Краснодар механика заводидан совун қуритиш ва кесиш ускунасининг сотиб олиниши хорижий инвестиция ҳисобидан молиялаштирилди.

– Корхона фаолият кўламини хорижий сармоясиз тасаввур этиб бўлмайди, – деди сўзида давом этар экан корхона раҳбари. – Шу мақсадда хорижий инвесторлар томонидан олиб киришимиз зарур бўлган 1500 АҚШ доллари қийматидаги асбоб-ускуналар ҳисобига янги мағиз қовуриш ва пресслаш мосламалари, совун ишлаб чиқариш бўлими учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар, конденсаторлар олинди. Шу тариқа инвестициялаш режаси тўлиқ бажарилди.

Корхона томонидан эришилаётган қатор муваффақиятлар замирида ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлиги ишга ижодий ёндошиши ҳамда изланишлари борлигини айтиб ўтиш даркор. Шу сабабдан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш асосий эътиборда. Ўтган йилда ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2005 йилга нисбатан 11334 сўмга оширилишига эришилиб, ўртача маош 142 минг 971 сўмни ташкил этди. Касаначилик асосида 49 та ишчи ўрни яратилди. Ишчи ва хизматчиларга мунтазам равишда моддий ёрдамлар кўрсатилиб келиняпти. Улар меҳнат қилаётган бўлимлардаги кийиниш, ювиниш хоналари тўлиқ таъмирланди. Техник хавфсизликни таъминлашга эса 31 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди.

Яна бир гап. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қалбакилаштиришнинг олдини олиш мақсадида ҳар чоракда уларнинг ёрлиқларини янгилаш жорий этилди. Сифат назорати янада кучайтирилди.

Айни кунларда «Янгийўл ёғ-мой»да ҳар қачонгидан ҳам иш қизғин. Бу ерда мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан халқимиз дастурхонига янги турдаги ва кўринишдаги маҳсулотлар тайёрланаяпти.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Мустақилликнинг 16 йиллигига*

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚИЁСДАГИ ИНЪИКОСИ

Қишлоқларимизни кўринг: сув, газ, алоқа тармоқлари, интернет... Газимизни биринчи ўзимиз ишлатиб, ортиғини сотмоқдамиз. Илгари уйининг олдидан катта газ қувури ўтган оилалар ҳам ўтину таппи ёқар ва бу табиий туюларди.

Онг, шуур, турмуш тарзи ўзгарди.

Истиқлол бизнинг ҳаётга, турмушга муносабатимизни ўзгартирди. Жаннатмонанд ўлкада яшаб, қишда помидор-бодринг, мева-чевани унутар эдик. Ананас, банан, апельсин, мандарин – анқонинг уруғи бўлган. Бугун бозорларимиздан йил-ўн икки ой сархил мева-сабзавот узилмайди.

Кийим-кечак муаммосини айтмайсизми? "Олибсотар" деган "тамға" қанчадан-қанча одамнинг юзини шувит қилди. Сифатли товар пештахта юзини кўрмасди. Бирон тафтиш пайти очиқ савдога қўйилганида эса – ур-йиқит. Ҳозир бозорга бориб, маҳсулот турининг кўплигидан бошингиз айланади. Товарки, деярли барчасига Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилган, деган тамға босилган. Ишониш қийин, лекин факт!

Куни кеча интернет-кафеда қулоғига "сим таққан" бир йигитнинг экранга қараб гапираётганига кўзим тушди. Қулоқ солсам, чет элга ўқишга кетган укаси билан суҳбатлашаётган экан. Интернет орқали. Тан олиш керак, аввалги замон бўлганида бундай имкониятдан фойдалана олмасдик. Аввало, интернет-кафенинг ўзи йўқ эди. Иккинчидан, чет элда ўқиш нима деган гап, собиқ империянинг "темир панжарали" чегаралари барчамиз учун тақа-тақ ёпиқ эди. Хорижга чиқишни ният қилган киши шубҳа остига олинар ва тегишли идоралар назоратида бўлар эди.

Истиқлол ёшларимизга хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси грантлари билан юзлаб ўғил-қиз чет элда ўқиб қайтяпти. Тошкентда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ва И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари, Халқаро Вестминстер университети фаолият кўрсатяпти.

Бундан ташқари, ҳозирги ўқувчилар билим олиш билан бир вақтда касб-ҳунар ҳам эгалламоқда. Болалигидан бирор касбга йўналтирилган, бир ҳунарни тутиб, сир-асрорларини ўрганиб борган инсон истиқболда ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлиб етиши шубҳасиз.

Ёшларимизда тил ўрганишга ҳам иштиёқ кучли эканлиги кишини қувонтиради. Ҳа, ўқув муассасаларимизда чет тиллар ўқитилган. Лекин бир-икки ихтисослашган масканни ҳисобга олмаганда, қолган жойларда ўлда-жўлда, юзаки дарслар бўлган. Айниқса, қишлоқларда болалар ярим йил французча, кейинги ярим йил немисча ўқиган. Ҳозир кўчада кетаётиб ўзаро ажнабий тилда гаплашаётган ўсмирларни кўрсак, ажабланмаймиз. Барака топсин!

Тиббиёт. Ўн етти йилдирки, бир кардиолог врач айтган изтиробли сўзлар қулоқларим остида ҳамон жаранглаб туради. У ўша кезлари зарур техника ва технология етишмаслиги туфайли кўплаб беморлар ҳаётдан бевақт кўз юмаётганини куюниб гапирган эди. Яқинда у билан яна гаплашиб қолдик. Илгари ўнтадан иккитасини сақлаб қолиш мумкин бўлган эса, ҳозир ўн нафардан саккиз бемор ҳаётга қайтаётган экан.

Алоҳида таъкидлаш жоиз – ҳозир пойтахтимизда ихтисослаштирилган кардиология, урология, кўз микрожарроҳлиги, гемофилия ва қон тизими депрессияси, нефрология, шошилинч тиббий ёрдам, она ва бола марказлари, жойларда эса уларнинг филиаллари ишлаб турибди. Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўришига оид кўрсаткич 1990 йилда 69,3 ёшга тенг эди. Ҳозир 72,5 ёшга етди. Қиёсланг: Россияда аҳоли ўртача 66,7 йил, Қозоғистонда 66,2 йил, Қирғизистонда 68,4 йил умр кўради.

Илгари оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари ҳаддан ортиқ юқори, тиббий хизмат сифати эса айниқса қишлоқ жойларда жуда паст эди. Эндиликда қишлоқ аҳолиси тиббий маслаҳат-ташҳис ёрдами олиш ва даволаниш учун туман ёки вилоят марказига қатнашига зарурат йўқ. Уларга қишлоқларда тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш учун барча шароит муҳайё. Қишлоқ врачлик пунктлари деярли барча касалликларини аниқлайдиган, қонни биокимёвий таҳлил этишда қўлланиладиган қурилмалар, лаборатория жиҳозлари ва бошқа зарур асбоб-ускуна билан таъминланган.

..."Кеч бўлди, компьютерни ўчиринглар", дейман болаларга. Ўғлим Германияга икки ойлик ўқишга кетган синфдоши билан хатлашиб ўтирган экан...

Ҳа, улус ва юрт нечоғли ўзгарганини, тараққий этганини англаш учун муқоясадан яхшироқ восита йўқ. Тараққиётнинг қиёсдаги инъикоси ёрқиндир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ПРОКУРАТУРА ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокурор-тергов ходимлари иштирокида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Бош прокуратура маҳкамасининг ходимлари ҳамда вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга жорий йилнинг 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларнинг аҳамияти ва уларни қўллаш тартиби ҳақида тушунтиришлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот марказидан хабар қилишларича, йиғилишда асосий эътибор қабул қилинган қонунларни амалиётда татбиқ этиш жараёнида вужудга келадиган мунозаравий масалаларга қаратилиб, йиғилиш иштирокчиларининг бу борадаги саволларига Бош прокуратуранинг масъул ходимлари томонидан батафсил жавоб берилди.

Шу билан бирга, жойларда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ва ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни амалда татбиқ этиш тартибининг жойларга бир хилда етказилиши бўйича тадбирлар режаси маъқулланди.

Йиғилишда қайд этилган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва амалиётда қўлланиши тартиби юзасидан жойларда прокуратура ходимлари ўртасида семинар машғулотлари ташкил этиш ҳамда бу борада аҳоли ўртасида тарғибот тадбирлари ўтказишга оид кўрсатмалар берилди.

**ЎзА.**

**Вилоятимизда сўлим, соя-салқин дам олиш масканлари анчагина. Бўстонлиқ ҳамда Паркент туманларининг тоғли ҳудудлари бежиз «Ўзбекистон Швейцарияси» деб таърифланмайди. Шундоққина тоғ бағрида жойлашган «Кумушкон» санаторийси ана шундай баҳаво, сувлари тиниқ, соя-салқин боғу роғдан иборат жаннатмакон гўша ҳисобланади. Аммо охирги вақтларда беэътиборлик сабаб бу ердаги шароит ачинарли аҳволга келиб қолганди. Хусусан, оромгоҳ ҳудудидаги дам олувчилар учун мўлжалланган коттежларнинг ички ва ташқи қиёфаси эскирди. Бунинг устига канализация, ичимлик суви, табиий газ билан боғлиқ муаммолар туфайли дам олувчилар сони йилдан йилга камайиб бораётганди.**



# ТАБИИЙ НЕЪМАТЛАР МАКОНИ



**СУРАТЛАРДА:**
янги қурилган чойхонанинг очилиш маросимидан лавҳалар.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

– Анчадан бери «Кумушкон»нинг эртаси нима бўлади деган савол мени қийнайверарди, – дейди тадбиркор Баҳодир Назиров. – Бундай масканни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмасди. Чунки, бу ердаги табиий шифобахш булоқ суви, мўътадил ҳаво фақатгина инсонлар саломатлиги учун хизмат қилиши лозим. Шунинг учун ҳам оромгоҳнинг акция пакетларини тўлалигича сотиб олдик...

Илгари хабар берганимиздек «Кумушкон» ёпиқ акциядорлик жамиятида капитал реконструкция ишлари қизғин бормоқда. 43 та коттеж, сауна, чўмилиш ҳавзаси ва бошқа катта-кичик бинолар Европа андозалари асосида қайта таъмирланяпти. Эскирган газ ва ичимлик суви қувурлари янгидан тортилмоқда. Бундан ташқари чиқинди қувури ҳам ётқизилмоқда. Анчадан буён қаровсиз ётган икки қаватли бино эса оилавий дам олувчиларга мосланмоқда. Бу бинога бир неча оила жойлашиши мумкин.

«Кумушкон» илгари фақатгина ёзги дам олиш маскани ҳисобланарди. Эндиликда у қишки мавсумга ҳам мослаб реконструкция қилинмоқда. Шу мақсадда иситиш тизими ҳам барпо этиляпти.

Оромгоҳда дам олувчиларга ҳақиқий ўзбекона меҳмоннавозлик кўрсатиш мақсадида бир йўла қарийб 600 кишини қабул қила оладиган чойхона қурилиши якунига етказилди. Куни кеча бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг дебочаси сифатида ушбу чойхона фойдаланишга топширилди. Паркентнинг барча қишлоқлари ва пойтахтдан келган меҳмонлар бу ердаги ишлар, яратилаётган шароит ва имкониятлар билан яқиндан танишишди. Бир пиёла чой устида ширин суҳбат қуриб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуолар қилишди. Шаҳару қишлоқларни обод қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган тадбиркору ишбилармонларнинг хайрли ишлари муносиб эътироф этилди.

**Равшан РУСТАМОВ.**

# ГРАНТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Пойтахтда Нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан Республика нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари танлови ғолибларига грант топширилди.**

Бу галги танловда республикамизнинг турли ҳудудларидан 100 дан ортиқ лойиҳалар тақдим этилди. Улардан ўн тўрттаси ғолибликни қўлга киритди ва жамғарма томонидан ажратилган грантга сазовор бўлди. Мазкур лойиҳаларда кексаларга, ёлғиз қарияларга, шунингдек, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилалар фарзандларига касб ва ҳунар ўргатиш каби масалалар илгари сурилган.

**«Туркистон-пресс».**

## Диққат:

# «ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари вилоятимизда яшаб ижод қилаётган ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий санъат намоёндаларини ва бошқа ижодкорларни иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни тарғиб қилиш, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она Ватанга. муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатиш, ижтимоий ҳаётимиздаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёндаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга даъват этиш мақсадида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий «Энг улуғ ва энг азиз» танловига таклиф этадилар.**

**Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

– Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;

– Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари;

–Тасвирий санъат асарлари.

**Тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб жўнатилиши керак:**

–Муаллиф ва унинг касбий фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– Муаллиф паспортининг нусхаси;

– Иш жойидан тавсиянома;

– Муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.

Ижодий ишлар «Энг улуғ ва энг азиз» танловига 2007 йилнинг 25 июлига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

- Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят бошқармаси.
- Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими.
- Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг вилоят бўлими.
- Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими.

**Телефонлар:** 133-64-95, 144-32-33, 144-35-35.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

## Бир мактуб тафсилоти

# НУҚТА ҚАЧОН ҚЎЙИЛАДИ?

**Албатта, гап тугаганда. Бироқ, Чиноз тумани Давлат санитария ва эпидемиология назорати марказида гап-сўзлару ёз-ёзларнинг поёни кўринмаяпти**

Таҳририят Чиноз тумани Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази ходимлари имзоси билан шикоят мактуби олди. Унда айтилишича, марказнинг собиқ бош шифокори Р. Исоқулов ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, ДСЭНМга қарашли автогаражни Тошкент вилояти Давлат мулкини бошқариш қўмитаси орқали хусусий тадбиркор Б. Эгамбердиевга сотиб юборган. Айни пайтда эса марказ транспортлари кўчада қолган.

Аслида қонун нуқтаи назаридан олиб қараганда ушбу ҳолат бир қатор меъёрий ҳужжатларга зидлигини кўриш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 3 апрелдаги «31 та давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусий мулкка айлантирмаслик тўғрисида»ги, шунингдек, 2006 йил июль ойида қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига ўзгартириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича айрим қонуности актларининг ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»-ги ва бошқа масалага оид меъёрий ҳужжатларда ДСЭНМга қарашли бино ва жойлар хусусийлаштирилмаслиги аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилган. Бироқ, нима учундир бино олди-сотдиси вақтида бу ҳужжатларга эътибор берилмаган.

Марказ ходимлари бу хатти-ҳаракатлардан норози бўлиб кетмакет ёзган шикоятлари сабаб тексшир-текширлар бошланди ва Р. Исоқуловга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Бу масалани жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди кўриб, ҳукм чиқарди. Унга кўра Р. Исоқулов энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида жарима тўлайдиган бўлди. Бироқ гаражни марказ ихтиёрига қайтариш ҳақида жўяли гап айтилмади. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 17 апрелдаги ажрими билан юқоридаги ҳукм яна ўзгаришсиз қолдирилган. Тошкент вилояти прокуратураси эса юқоридаги суд қарорини бекор қилиш ҳақида суд раёсатига назорат тартибида протест киритди. Бироқ ҳозирча бирор натижа бўлмаяпти.

Р. Исоқулов эса ўз иш жойига тикланиш учун ташкилотма ташкилот югуришдан чарчамаяпти.

Таҳририятга йўлланган шикоятни ўрганиш мақсадида Чиноз тумани Давлат санитария ва эпидемиология назорати марказида бўлиб, жамоа вакиллари билан учрашганимизда улар Р. Исоқулов ҳақида ҳали бизга маълум бўлмаган яна кўплаб маълумотларни далиллар билан ошкор этишди.

Хусусан, бундай давомли ёз-ёзлар авжига чиққанда Чиноз тумани прокуратурасининг шу йил 26 апрелидаги хатига асосан «Назорат-консалтинг» АСУ аудиторлик фирмаси ДСЭНМда аудиторлик текширувини ўтказган. Маълум бўлишича 2006 йил декабрь ойида ҳеч қандай асоссиз ходимлар маошига 20 мингдан 50 минг сўмгача пул қўшиб ёзилган. Жумладан, С. Отабоев, А. Эшонхонов, К. Қўзибоева, Ш. Ўринбоевага 30 минг сўмдан, М. Муҳамедова, Н. Маҳмудова, М. Отахонова, Н. Фафелова, Н. Қорабоева, Ё. Мамараҳимовларга 20 минг сўмдан, М. Комилов, бош шифокор Р. Исоқулов ва З. Абдусатторовага эса 50 минг сўмдан қўшимча пул тўланган. Аммо ҳанузгача ойлик маошлардан ушлаб қолинмаган.

Бундан ташқари, бош шифокор Р. Исоқулов 2006 йилнинг 1-чораги давомида ҳисобхона ходимларини алдаб, олий тоифали шифокорман дея маошига қўшимча 50 минг сўмдан пул олган. Бу ҳам етмагандек, «Меҳнат кодекси»га зид равишда хотини Насиба Абдуқодированн ишга қабул қилган. Турмуш ўртоғининг маълумоти ўрта тиббиёт ходимаси бўлишига қарамай буйруқ билан лабораторияга лаборант лавозимига тайинлаган. Натижада унга ҳар ойда қўшимча 30 минг сўмдан маош тўланган...

Кўриниб турибдики, бош шифокор марказга тегишли гаражни ноқонуний сотиб юборишдан ташқари иш жараёнида ҳам кўплаб қинғирликларга қўл урган. Ажабланарлиси, Р. Исоқулов бундай хатти-ҳаракатлари учун илгари ҳам судланган экан. Хусусан, 2004 йилда Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ДСЭНМ бош шифокори лавозимида ишлаган кезларида унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «в,г» бандлари билан жиноят иши қўзғатилган. Аммо бундан тегишлича хулоса чиқармаган...

Биз шу ўринда мақолага якун ясасак ҳам бўларди. Аммо газетани саҳифалаш куни таҳририятга бўлган қўнғироқлар ҳамда Чиноз тумани ДСЭНМ вакилларининг ташрифи таажжубимизни орттирди. Уларнинг айтишича, Р. Исоқулов яна ўз лавозимига қайта тикланган. Туман ҳамда вилоятнинг соҳага оид мутасадди раҳбарлари уни яна ўз мансаб курсисига ўтқазиб қўйишган. ДСЭНМ ходимлари ҳамда марказ билан ҳамкор корхона-ташкилотлар вакиллари эса бундан норози бўлиб, турли идораларга, хусусан, таҳририятга мурожаат этишмоқда. Р. Исоқуловнинг ходимларга нисбатан қўпол муомалада бўлиши, ҳақоратлашлари, мажлисбозликка берилганини айтиб, бош шифокорликдан четлатишларини талаб қилишаяпти.

Нима учун мутасадди раҳбарлар бу норозиликка беписандлик билан қарашмоқда?

Бундай лоқайдликнинг сабаби нимада? Бу муаммога охирги нуқтани ким қўяди?

Саволлар кўп, жавоб йўқ.

Биз эса туман ҳокимлиги ҳамда соҳага мутасадди вилоят раҳбарларидан, жиноят ишлари бўйича вилоят суди ва вилоят прокуратурасидан жўяли жавоб кутиб қоламиз.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

### Таълим манзиллари





# ЭРТАНГИ КУН ОСТОНАСИ

Ўртачирчиқ туманидаги ижтимоий иқтисодий касб-ҳунар коллежидаги бу йилги қабул жараёнида асосий эътибор ўқувчиларни ўзлари истаган мутахассислик бўйича тўғри йўналтириш, қабул жараёнини юксак даражада ўтказишга қаратилмоқда. Ҳозир коллежда бухгалтерия иши ва аудит, банк, молия, хўжалик ҳуқуқ фаолияти, ҳужжатшунослик, компьютер технологияси таълими каби йўналишлар мавжуд.

– Коллежимизда қабул 1 августга қадар давом этади, – дейди коллеж директори Абдуҳамид Эргашев. – Бу йил 510 нафар ўқувчи қабул қилиниши режалаштирилган. Ўқувчилар асосан Ўртачирчиқ, Пскент туманларидан келишмоқда.



Коллежда ўқувчиларнинг тўлақонли билим ва ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Кўркам, ёруғ, замонавий жиҳозлар билан таъминланган фан кабинетлари, компьютер хоналари, спорт зали ва майдончалари, маънавият маркази, ошхона, ётоқхона шулар жумласидандир. Юксак педагогик маҳоратга эга 96 нафар ўқитувчи ва мураббий ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашиб келаётирлар. Уларнинг фидокорона ва шарафли меҳнатлари туфайли коллеж битирувчиларининг ярми ишга, ярми ўқишга жойлашишга муваффақ бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда улар мамлакатимиз келажаги учун керакли инсонлар бўлиб етишишмоқда.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

**СУРАТЛАРДА:** коллеждаги бу йилги қабул жараёнидан лавҳалар.

**Азамат АҲМАД олган суратлар.**

# ЭЗГУ ИШЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

**Мамлакатимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш, жамиятда эзгулик, меҳр-шафқат муҳитини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Тошкент вилоятида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилаётир.

Тошкент туманида вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши ташаббуси билан олтмишдан зиёд меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оила вакилларига соғликларини тиклаш учун "Турон", "Чинобод", "Ботаника", "Оқтош", "Бўстон" сиҳатгоҳларига йўлланма берилди.

– Эътибор ва ғамхўрликдан биз – қарияларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди, – дейди Янгийўл тумани "Эски қовунчи" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи меҳнат фахрийси Ф. Атабоева. – Бугун кўп қатори мен ҳам пойтахтимиздаги салқин ва оромбахш сиҳатгоҳда даволаниш ва ҳордиқ чиқариш имконига эга бўлдим. Бундай эзгулик ва мурувват учун Юртбошимиздан, олийҳиммат инсонлардан миннатдормиз.

Вилоят ҳокимлигидан маълум қилишларича, ушбу хайрли тадбир давом этади ва ёз мавсумида яна 250 нафарга яқин кексалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамюртларимизга сиҳатгоҳларда дам олиш учун йўлланмалар берилади.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ

**Давлат Солиқ қўмитасида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштиришга бағишланган учрашув ўтказилди.**

Тадбирда иштирокчиларга солиқ қонунчилигига оид янгиликлар, ҳуқуқларини ҳимоя қилишни амалдаги механизмларини янада фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумот берилди. Учрашувда берилган барча саволларга мутасадди идоралар раҳбарлари жавоб беришди. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, жорий йилнинг шу даврига қадар давлат солиқ қўмитаси томонидан бир ярим мингдан ортиқ мана шундай амалий семинар ва учрашувлар ташкил этилиб, тадбиркорлик субъектларини ўйлантираётган ўн бир минг олти юздан зиёд муаммолар ижобий ҳал қилинди. Галдаги тадбирда фаол ва намунали солиқ тўловчилар, бир гуруҳ ишбилармонлар тақдирланди. Бундай тадбирларни вилоят ва туманларда ҳам ўтказиш режалаштирилган.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

### Касбим – фахрим

**Олимжон ака одатдаги иш куни тугаб, уйига қайтар экан, одамлар ҳам ниҳоят кун бўйи югуриб-елиб, охири ўз ошёнларида кўним топганликлари ҳақида ўйлаб, енгил тортди, вужуди аллақандай ҳузурбахш туйғудан яйради.**



# УМР ЙЎЛИДАГИ БЕКАТЛАР

– Ҳаёт қизиқ, ҳамма нарсанинг ўз йўриғи бор, – яна уйга толди у. – Агар кун билан тун алмашмаса, бу тиниб-тинчимаган одамлар қачон ором олади?

Ана, шаҳар бағрини тўлдириб турган ҳашаматли бинолардаги сон-саноқсиз чироқлар бирин-кетин ўча бошлади. Соат тунги ўн икки! Аммо, қадрдон ошёни, тўртинчи қаватдаги хонадон чироғи ҳали ўчмаган.

– Келдингизми, дадаси, – Рихсихон опанинг мулойим чеҳраси толиққан вужудига жон бағишлади, юзи ёришди.

– Ҳали ҳам ётмадингми, онаси. Биласан, сменадаман, ухлайверсанг бўларди?!

– Йўғе, дадаси, Сиз келмасангиз, уйқу ҳам келмайди-да. Бўла, қолинг, овқатингизни уч марта иситиб, уч марта ўчирдим. Бугун анча ҳаялладингиз. Автобусингиз созми, ишқилиб?

– Соз, соз, онаси. Фақат куни билан одам ташийвериб чарчади, уни ҳам ювиб-тараб, силаб-сийпаб қўймасам, саҳардан яна ишга тушиши қийинда. Унинг ҳам жони бор, ахир.

– Биламан, дадаси, биламан. Қирқ йилдан буён рулдасиз, автобус жониворнинг тилини сиздан яхши тушунадиган одам бўлмаса керак. Илоҳим, омон бўлинг.

...Олимжон акага ҳайдовчилик ота касб. Ёшлигида отасининг катта юк машинаси ортидан югургани югурган эди. Тез-тез ишдан чиқиб, бузилиб қолганда ёйилиб кетган эҳтиёт қисмларини йиғиб-териб, артиб-суртиб, дадасига ёрдам бераётганидан хурсанд, чарчоқ нима, билмасди.

– Болам, кўрдингми, ҳайдовчилик осон эмас, – дерди отаси. – Унинг машаққатига ҳамма ҳам чидайвермайди. Лекин, сен ўқийсан. Ўқиб, катта одам бўласан.

Аммо тақдирига шофёрлик битилган эканми, Олимжон икки йилгача университетга ҳужжат топшириб, бали етмай, ўтолмай қолди.

– Болагинам, – деди Ширин ая ўғлига термулиб, – отанг бир умр ҳайдовчилик қилди. Олтовингни ҳалол луқма билан боқиб, вояга етказяпман. Ажабмас, меҳнатинг орқали юзага чиқиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлсанг...

...Шу гапларга ҳам қирқ йилдан ошибди. Ҳайдовчиликни, ота касбини улуғлаб, эл-юрт назари, ардоғида ишлаб келаётган Олимжон ака ўзи ҳақида шундай дейди:

– Ҳаётимдан нолимайман. Ўттиз икки йилдан буён Тошкентдаги 2-автобус саройида меҳнат қиляпман. Мени «Биринчи класс ҳайдовчиси», «Моҳир ҳайдовчи» сифатида ҳурмат қилишади. Энг муҳими, доимо йўлимга кўз тикиб, ширин сўз, очиқ чеҳра, мазали таом билан кутиб оладиган меҳр-муҳаббатли, иродали умр йўлдошим, фарзандларимнинг онаси Рихсихон бор. У олий маълумотли иқтисодчи. Лекин, оиладаги вазифаси, бурчини виждонан адо этиб келаётган оқибатли инсон...

Кекса ҳайдовчининг сўзлари ҳам ўзи каби камтарона, ўзи қолиб, бошқаларни мақтади:

– Биз-ку, ишдан ҳориб келсак, иссиқ овқат, юмшоқ ўриндиқлар тайёр. Аммо аёлларга қийин. Шунинг учун ишдан сўнг, бозор-ўчар қилиб, доимо икки қўли банд келаётган аёлларни, кекса онахонларни кўрсам, ёрдам бергим келади. Иложи борича тўхтатиб, олиб кетаман. Манзилларига етгач, миннатдорчилик билдириб тушиб кетишади. Умуман, мени кутиб турган йўловчиларнинг кўзида қувонч ифодаларини кўришдан ҳузурланаман. Ҳатто, ҳар бир йўловчининг юз-кўзи таниш, манзиллари ҳам аниқ бўлиб қолган. Ахир, ўн йилдан буён бир йўналишда одам ташийман...

Олимжон ака ўз ишининг ҳақиқий фидойиси. Жамоасининг ардоқли кишиси. Уни камсуқум, қаноатли, инсофу диёнатлилиги учун ҳам севишади-да.

– Олимжон Масановни ўттиз икки йилдан буён биламан, – дейди корхона бош ҳисобчиси Раиса Дронова. – Шу йиллар давомида бирон марта ишга кеч қолгани, ёки сабабсиз иш қолдирганини эслолмайман. Ҳатто, ҳашарларга ҳам энг аввал, ёшлардан олдин етиб келади. Ҳозир ҳам шундай.

Захирадаги офицер Олимжон Масановнинг давлат ишига, халқ хизматига бўлган муносабати ҳам ҳарбийча: ҳар бир топшириқ виждонан, ҳалоллик билан бажарилиши керак. Иш куни тонгги 5.00 да бошланади. Кеч қолмаслик учун тунги соат 2.45 да уйғониши керак. Уч яримда уйдан чиқиб кетади. Тонг саҳардан ишга ошиқаётган йўловчиларни мақтал қилиб қўймайди. 72-автобус қатнови намунали йўналиш дея эътироф этилишида Олимжон аканинг ҳиссаси катта десак, хато бўлмас.

Албатта, бундай эътирофга эришишнинг ўзи бўлмайди. Машаққатли меҳнатдан фароғат топиб яшаш учун аввало, сабр-тоқат, ирода, қолаверса, қаноатли, оқила, тадбирли умрйўлдош керак. Таъкидланганимиздек, олий маълумотли иқтисодчи Рихсихон Маматраимова ана шундай садоқатли инсон. У Олимжон ака ҳақида мароқ билан сўзлайди.

– У кишининг соддалиги, меҳнатсеварлиги, самимийлиги учун ҳам ҳурмат қиламан, авайлаб, ардоқлайман. Мана, салкам қирқ йилдан буён биргамиз. Инсонни азиз қилган унинг меҳнати. Биласизми, ҳатто бетоб бўлиб қолсалар ҳам кўрпатўшак қилиб ётмасдилар. «Одамларни кўрсам, касалим тарқаб кетади», деб ишга чиқиб кетаверардилар. «Дадаси, сиз ҳам одамларга ўхшаб кийининг десам, қўй, хотин, яхшини ёмоннинг ичида таниб ол» деган гап бор деб ҳазилга оладилар. Рўзғорни эплаш осон эмас. Менинг топганимни етказиб турсанг бўлгани. Ана шунақа, кенг феълликни Олимжон акамдан ўрганганман...

Ҳа, жамият таянчи бўлган барқарор оилалар ҳақида гап кетганда, Олимжон ака ва Рихсихон опаларнинг эзгуликка йўғрилган камтарин оиласи кўз олдингизга келиши табиий. Зеро, яшашдан мақсад ҳам шу, аслида.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

### Маҳаллий матбуотга бир назар

**«Оққўрғон овози» газетасининг сўнгги йиллардаги тахламларини варақлаб ўтириб, бир хулосага келдик: газета деярли ҳар йили бирорта муҳим масалани кўтарган ва якунига етказган. Чунончи, газетанинг 2007 йилнинг 17 февраль сонидаги «Банк «сири»ми, бошқарувчи «сири»ми?» сарлавҳали мақолада кўтарилган масала юзасидан кўрилган чоралар ҳақида Республика Давлат-тижорат халқ банки бошқаруви раиси М. Жумагалдиевнинг жавоб хати берилган.**

# ТАЪСИРЧАН КУЧ

Мақолада Президентнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш жараёнида «Халқ банки» туман бўлими бошқарувчиси Абдумажид Азизовнинг Низом талабларини бузиб, муҳтожлар қолиб, муҳтож бўлмаганларга микрокредитлар ажратганлиги, бу эса аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётганлиги танқид қилинган эди. Жавоб хатида у нотўғри хатти-ҳаракатлари учун банк бошқарувчиси вазифасидан озод этилганлиги маълум қилинганди.

Бу жавобни ўқиб туриб, бир туман газетасининг долзарб муаммолар ечимини топишдаги фаол таъсир кучини чуқур ҳис этдик. Оққўрғон газетасида кўтарилган бу муаммо бутун республика туманларида ўрганилиб, ишдаги камчиликлар тугатилибди.

Газета саҳифаларида чоп этилган «Кимга савоб, кимга пул», «Электр энергияси оқар дарё эмас», «Коммунал тўловлар – халқнинг мулки», «Танаси бошқа дард билмас», «Туманда табиий газ нега кам?» каби танқидий мақолаларда долзарб ижтимоий муаммолар дадил кўтарилиб, масъул шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари танқид остига олинган.

«Оққўрғон овози»да босилмади, аммо...» рукни остидаги «Газетадан миннатдорман» сарлавҳа мақолада эса фермер Жумабой Тошбоевнинг ижодкорларга миннатдорчилиги изҳор қилинган. Бир мансабдор шахс ундан алдов йўли билан 155 минг сўм пул олиб, деярли бир йилдан буён қайтариб бермай келаётгани, бу ишга газета аралашгач, тезда пул эгасига қайтганлиги газетанинг халқчиллигини, ўз кучини йўқотмаганлигини кўрсатиб турибди.

Бундай миннатдорчилик мактублари газета ходимлари номига тез-тез келиб туради. Оққўрғон шаҳар Шодлик кўчасида яшовчи Римма Ким маҳаллага ичимлик суви етиб бормаётганлиги ҳақида мутасадди ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилади. Лекин орадан икки йил ўтса-да, муаммо ечимини топмайди. Бу муаммо ҳам газета аралашуви билан ижобий ҳал қилинди. Бир ҳафта деганда Шодлик кўчасига тоза ичимлик суви етиб келди.

Огоҳлик, ватанпарварлик мавзусидаги «Жаҳолат исканжасида», «Фарзандларимизга огоҳ бўлайлик», «Дилларда-сан доимо, Ватан», «Байрамда ва доимо огоҳлик зарур», «Терроризм қандай ҳаракат?», «Ўйламай босилган тикан», «Она-Ватан мард ўғлонларга суянади», «Ниқоб йиртилди», одоб-ахлоқ, миллий ғоя ва қадриятларимизни тарғиб қилиш, аждодларимиз меросини ўрганиш мавзусидаги «Нега бефарқсиз, Эшматвой?», «Қиз бола фарзанд эмасми?», «Болалар руҳиятида миллий ғоя туйғуси», «Тарбияни оиладан бошлайлик», «Зиммамиздаги масъулият», ва бошқа кўпгина мақолалар ҳам алоҳида қизиқиш билан ўқилади.

– Муҳаррир Абдулла Маъдиев жуда принципиал инсон, – дейди «Нуроний» жамғармаси туман кенгашининг раиси Болтабой Юсупов. – Туманимиз газетаси ёрдами билан жуда кўп масалалар ҳал қилинади. Оддий меҳнат кишисининг фаровон турмуши, уларга нисбатан тўраларча муносабатда бўлаётган, топшириқларни қонун асосида бажармаётган ҳар қандай раҳбар танқид остига олинади.

Газетанинг сўнгги йиллардаги саҳифаларида «Қачонгача Қодирнинг қовоғига қаралади?», «Халқ банки»дан халқ розими?», «Бозордаги тартиббузарликлар, унга ким жавоб беради?» ва, ниҳоят, «Банк «сири»ми, бошқарувчи «сири»ми?» мақолалари жуда катта тўқнашувларга сабаб бўлганлиги, кимларнингдир ғайриқонуний ишлари – «ниқоблари» очилиб қолиб, эл ичида шарманда бўлишганидан кейин газетага зуғум, босим ўтказиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Туман ҳокимлиги етакчи мутахассиси Ҳусанбой Назаров шундай дейди:

– Газетада «Банк «сири»ми, бошқарувчи «сири»ми?» сарлавҳали мақолам эълон қилинганидан кейин газетхонлар орасида катта шов-шув бўлиб кетди. Кўпчилик менга «Ҳақиқат бор экан-ку, банк бошқарувчисининг оёғи ердан узилиб, халқни менсимай қўйганди» деди. Лекин орадан бироз вақт ўтгач, халқ банки вилоят бошқаруви ходимлари келиб, менга босим ўтказмоқчи бўлишди.

Оққўрғон туман газетасида катта ҳаётий тажрибага эга, давр билан ҳамнафас журналистлар ижод қилишаётир. Улар эл-юрт равнақи ва маънавиятни юксалтиришни ўйлаб, сидқидилдан қалам тебратишаётир.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Суд экспертизаси хизмати: натижалар ва ривожланиш йўналишлари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

# МАВЖУД ИМКОНИЯТ ВА СОҲА ИСТИҚБОЛИ

Конференцияда истиқлол йилларида суд экспертизаси тизимида амалга оширилган ислоҳотлар мазкур соҳага оид муассасалар моддий-техник базасини тубдан яхшилаш – суд экспертизаси имкониятларини қисқа муддатларда халқаро стандартлар даражасига кўтариш имконини бергани таъкидланди.

Хусусан, Ўзбекистон Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ҳозир элликдан ортиқ экспертиза турлари бўйича хулосалар бериш имкониятига эга. Экспертизанинг ДНК, гиёҳванд воситалар, баллистика, изшунослик, ҳужжатшунослик каби бир қатор йўналишларида мазкур марказнинг техник имкониятлари дунёнинг етакчи экспертиза муассасалари имкониятлари билан тенглаша олади.

Анжуманда истиқлол йилларида суд экспертизаси соҳасида эришилган ютуқларга баҳо бериш билан бир қаторда, тергов ва суд амалиёти бугунги кунда суд экспертизаси хизмати олдига қўяётган масалалар атрофлича кўриб чиқилиб, соҳани ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ҒОЛИБЛАРГА СИЭТЛ ЙЎЛЛАНМАСИ

**Пойтахтда компьютер ўйинлари бўйича бешинчи Ўзбекистон миллий чемпионатининг якуний босқичи ўтказилди**

Бу йилги саралаш мусобақаларида мамлакатимизнинг турли минтақаларидан уч ярим минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Улар орасида етмиш икки нафари республика финал босқичида ўзаро беллашди. Компьютер ўйинлари бўйича бешинчи Ўзбекистон чемпионатининг бу йилги ғолибларини тақдирлаш маросими ҳақиқий байрам тусини олди.

Танлов натижаларига кўра тўққиз нафар геймерлар АҚШнинг Сиэтл шаҳрида ўтказиладиган жаҳон ҳамда Маккаода ўтадиган иккинчи Осиё чемпионатининг «Гранд финал–2007» мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Эътироф этиш лозимки бу йил вилоятлар жамоалари ҳам мусобақаларда фаол иштирок этишди. Бу эса геймерларни янада кенгроқ қамраб олиш имконини бермоқда. Сирдарё, Бухоро, Фарғона ҳамда қаршилик иштирокчилар мусобақаларда муносиб ўйин кўрсатишганликларининг ўзи ҳам ҳудудларда ахборот коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётганини кўрсатмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

Чирчиқ шаҳридаги 9-мактаб томонидан 2005 йилда Мареэченко Дарья Беннадевна номига берилган O`R-Sh 0198402 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чирчиқ шаҳридаги 5-мактаб томонидан 2005 йилда Вэлиуллаева Эвилина Сэерановна номига берилган O`R-Sh 0198236 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Ором» номли умумий ўртатаълим-тарбия берувчи боғча-мактаб маркази томонидан 2006 йилда Косимова Шохиста Бахтиеровна номига берилган O`R-Sh 0536953 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

## очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

**Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2007 йил 22 июндаги 177-Д-сон ва 2007 йил 29 июндаги 185-Д-сонли буйруғларига асосан қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:**

| № | Ер майдонининг жойлашган манзили | Сони | Рақамлари | Сатҳи (га) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган ер майдонлари** | | | | |
| 1 | Чирчиқ шаҳри, Миртемир кўчасида жойлашган ер майдонлари | 4 та | 1, 2, 3, 4 | 0,04 | 133 232 |
| 2 | Чирчиқ шаҳри, Ҳунарманд кўчасида жойлашган ер майдони | 1 та | 1 | 0,04 | 161 920 |
| 3 | Чирчиқ шаҳри, Крылов кўчасида жойлашган ер майдони | 1 та | 1 | 0,04 | 161 920 |

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 14, 21, 28 август ва 4 сентябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу ер майдонлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

| № | Ер майдонининг жойлашган манзили | Сони | Рақамлари | Сатҳи (га) | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Якка тартибда уй-жой қуриш учун сотилиши белгиланган ер майдонлари** | | | | |
| 4 | Паркент шаҳри, Истиқбол кўчасида жойлашган ер майдонлари | 20 та | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 | 0;04 | 73 920 |
| 5 | "4-Чуккайма" маҳалла ҳудудида жойлашган ер майдонлари | 5 та | 9, 10, 38, 39, 40 | 0,04 | 73 920 |
| | **Шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун сотилиши белгиланган ер майдонлари** | | | | |
| 6 | Невич қишлоғи ҳудудида жойлашган ер майдонлари | 11 та | 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 | 0,06 | 78 672 |
| 7 | Бўстон ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган ер майдонлари | 33 та | 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47 | 0,06 | 78 672 |

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 15, 22, 29 август ва 5 сентябрь кунлари соат 11.00 да, ушбу ер майдонлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент вилояти, Паркент тумани ҳокимлиги биносининг залида ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан уч кун олдин тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Мурожаат учун манзил:** Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-а уй,
**Интернетдаги сайтимиз:** www.rkmb.uz

**Лицензия: DB 001 № 000004.**

## ЧИНОЗЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

**Ангрен шаҳрида 1992-1994 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақанинг аҳамиятли томони шундаки, унда қатор умидли спортчилар кашф этилди. Улар қаторида чинозлик Сардорбек Бегалиевнинг борлиги кишини қувонтиради. У 75 килограмм вазн тоифасида рингга чиқиб, барча рақибларидан устун келди.**

Сардорбек болалик чоғлариданоқ спортга меҳр қўйиб улғайди. Ўз маҳорати ва малакасини ошириш, техник ва тактик ўқувини мустаҳкамлаш мақсадида кўп йиллардан буён тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўлимига қатнашмоқда. У устози Илдарь Вакиловдан бокс сирларини ўрганмоқда. Сардорбекнинг навбатдаги ғалабаси эса устозини беҳад қувонтирди.

Чинозлик спортчи бу ғалабаси билан чекланмоқчи эмас. У янада баландроқ чўққиларни кўзлаётир. Эндиги мақсади Тошкентдаги Олимпия захиралари спорт коллежига имтиёзли равишда ўқишга кириб, таҳсилни давом эттирмоқчи.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

### Саховат

## БИР ОИЛАНИНГ БАРАКАСИ

Дам олиш кунларининг бирида «дом»имиз олдидаги яшил майдончага сайр қилгани чиққандим. Нарироқдаги йўлдан ўтиб кетаётган енгил автомашина чеккада тўхтади-да, ичидан 40-45 ёшлардаги ўрта бўйли йигит тушиб, мен томон кела бошлади. Танидим. Узоқ йиллар шу туманда мен билан бирга ишлаган, уч йилча аввал вафот этган Зокир аканинг ўғли.

– Уйингизга киргандим, – деди у тавозе билан. – Бу ерда экансиз. Қизимни узатаётгандим. Илтимос, борсангиз. Ахир сиз отамни кўргансиз, отам билан кўп суҳбатдош бўлгансиз.

Тўй куни эрталаб бордим. Зокир аканинг уйи унча олисда бўлмаса ҳам, гапнинг очиғи, вафотидан сўнг кирмаган эканман. Бундан анча йиллар бурун бир уй, бир айвон солиб, кўчиб келганди. Энди эса чор-атрофи иморат. Ҳаммаси бўёқдан чиққан, дарвозахона йўлагига нақшинкор ғиштлар ётқизилган. Ҳовли ҳам шунга яраша файзли. Анвойи гуллар очилиб ётипти. Райҳону атиргулларнинг муаттар ҳиди одамга роҳат бағишлайди. Саранжом-саришталик шундоққина кўриниб турипти. Эрталабки ошдан кейин кетишга рухсат сўраб: «Отангизнинг руҳлари шодланадиган бўлди. Чиройли ҳовлида чиройли тўй қилдингиз» дедим. Ўғил эса мамнун жилмайиб: «Бу ҳовли-жойлар меҳнатимиз орқали бунёд бўлгани рост, – деди. – Лекин отамнинг сиздек бир қадрдон дўсти бор эди. Унинг ҳам сабабчи бўлганини сира унутмаймиз».

Одамлар тарқаб қолгани учун иккимиз йўлакдаги ёғоч каравотда ўтирганча, қайноқ чойдан хўплаб-хўплаб суҳбатлашардик.

– Отам шу кичик иморатни бошлаганларида етарли маблағлари бўлмаганди, – хотирлади ўғил. – Буни биз у кишининг онам билан суҳбатларию рўзғоримизнинг баракаси қочганидан билиб олгандик. Бир кун кечқурун уйимизга тўладан келган, қалинқошли киши кириб келди. Отамнинг қуюқ саломалигидан билдимки, у padaри бузрукворимнинг қадрдон дўсти.

– Қурилишни яхши бошлабсиз, – деди ўша киши. – Буни давом эттираверинг. Токи бола-чақангиз ўсиб-улғайгач, торлик қилиб қолмасин.

Отам бу таклифга жавоб қайтармадилар. Индамай, ерга қараб ўтиравердилар.

Ажабки, у киши ҳам индамай жўнаб кетди. Эртасига рўмолчага тугилган нимадир кўтариб келди-да, яна отамга маслаҳат берди: «Мана бу пул, шунга сигир олинг. Сут - қатиғи билан рўзғорни бутланг. Боласини кўпайтиринг. Мол боқишда гап кўп». Кейин тайинлади: «Тағин буни қарз деб юрманг. Топганингизда қайтарарсиз. Қайтармасангиз ҳам мен рози»

Якшанба куни отам отараванинг орқасига боғлаб, бозордан ола сигир олиб келди. Хурсанд бўлиб кетдик.

Шу тариқа йил ўтгани сайин молларимиз ўзидан кўпайиб, рўзғоримизга қут-барака кира бошлади. Бузоқларини сотиб, уй-жойимизни кенгайтирдик. Отам туппа-тузук тўйлар қилдилар. Қарз ҳам узилиб кетди. Биз, уч ўғилдан иккимиз бўлак уйлар қурдик. Сигир зотли бўлгани учун бузоқчаларидан бизга ҳам бердилар. Ҳатто, узатилган опа-сингилларимиз ҳам бенасиб қолмади.

Ўғлим яқинда янги иморат қурди. Мен ҳам унга бир ғунажин бермоқчиман. Чинданам мол хазина экан. Бундоқ ўйлаб кўрсам, буларга отамнинг ўша қадрдон дўсти сабабчи бўлган экан.

Мен пиёладаги совуб қолган чойни қўлимга олиб ўйладим: «Яхшилик барибир яхши-да. Уни йиллар ўтсада, унутмаслик бундан ҳам яхши».

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бағрикенглик, саховат, меҳридарёлик билан суғорилган муҳим ҳужжат бўлди. Шу қарор сабаб эҳтиёжманд, кўп болали оилалар сигирли бўлаяпти. Чорвачиликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, оилалар даромадини кўпайтириш мақсадида мол сотиб олиш учун имтиёзли кредит олишга кенг имкониятлар яратилди. Бундан ташқари ҳар бир қишлоқда чорва молларига малакали ветеринария хизмати кўрсатишга мўлжалланган шахобчалар ташкил этилмоқдаки, аҳоли ўз чорвасини кўрикдан ўтказиши, керакли дори-дармон сотиб олиши мумкин.

Бугунги кунда чорвачиликни ривожлантириш туфайли минглаб хонадонлар дастурхони янада тўкин, рўзғори бут бўлмоқда.

Айниқса, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ўтказилаётган хайрия тадбирлари саховатли инсонлар кўплигини яна бир бор намоён этмоқда. Моли, паррандаси бор оилаларнинг фарзандлари соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши шубҳасиз.

**Абдусаттор ХОТАМОВ.**

### Инсон ва табиат

**Туркистон тоғларининг Зомин, Бахмал, Фориш тизмаларида кейинги йилларда қор қоплони учрамаётган эди. Зомин миллий боғи маълумотларига кўра, "Қизил китоб"га киритилган бу ноёб ҳайвон ушбу ҳудудда яна пайдо бўлди.**

## ЗОМИНДА ҚОР ҚОПЛОНИ



Биологик хилма-хилликни сақлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар натижасида кейинги йилларда қўриқхона ва миллий боғ ҳудудида ноёб ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар кўпайиб бормоқда. Бир неча йил аввал "Қизил китоб"га киритилган қора лайлаклар ҳам бу ерга келиб, доимий яшаб қолди. Энди яна бир жонивор – қор қоплонининг ушбу масканда яшаётгани қувонарлидир.

Зомин давлат қўриқхонаси ва миллий боғи алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардан ҳисобланади. Бу ердаги арчали тоғ экотизими ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

**Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**

## ИСТАНБУЛ ШОҲСУПАСИДА

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган кураш бўйича Босфорс халқаро турнири якунига етди. Унда 70 килограммдан 90 килограммгача бўлган вазнда эркаклар, 52 дан 62 килограммгача вазнда аёллар ғолиблик учун беллашишди.

Маълумки, миллий спортимиз кўҳна қитъада ҳам йил сайин ривожланиб, ўз мухлислари сафини кенгайтириб бормоқда. Қизғин баҳсларга бой тарзда ўтган мусобақада Ўзбекистон, Греция, Россия, Сербия, Конго, Грузия, АҚШ, Исроил каби йигирмата давлатнинг энг сара полвонлари гиламга чиқди. Мусобақада ўзбекистонлик курашчилар ўз маҳоратларини тўла намойиш этишди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни ўзбекистонликлар, иккинчи ва учинчи ўринларни Туркия ва украиналик курашчилар банд этди.

**«Туркистон-пресс».**



## АФРИКАЛИК МАСХАРАБОЗ

*Ҳажвий ҳикоя*

Сувонқул ака ёнини пайпаслади. Чўнтагидан носқовоқ олди, шошмай, попуклик тиқинини очди. Иягини кўтариб, тилининг тагига нос ташлади. Кейин сал чучук тилда ҳангомасини давом эттирди:

– Эртасига Ҳасанминан дўконма-дўкон юриб, пальто, этик ижладик. Топилмаса-я, занғар? Йўқ эмас, бор, аммо менга шиғмайди. Худо бўйдан берган-да. Этикни қирқ тўрти керак, пальтони ҳам эллик саккиз-олмиши. Эҳ, Худо, бу Сувонқулингга туядек бўй бергунингча, туймадек ақл берганинингда бунчалик ажоб йўқмиди, дейман.

Ҳамроҳим «шиж»лаб қийналиб кетдими, ташқарига чиқиб, тупуриб кирди. Калла чайқаб, яна саргузаштига ўтди:

– Кейин таваккал қилдим. Ҳасанни бозорга жўнатиб, ўзим яхшилаб кийиндим. Марпа хола қарашиб турди. Хотиннинг пайпоқларини болдиримга ўрадим. Иккита ич кўйлагини устма-уст кийдим. Жун рўмолини белимга бойладим. Катта жун рўмолни икки учидан тугиб, елкамга ташлаб олдим. Бир кийимлик бахмали бор экан, йиртиб, пайтава қилдим. Марпа хола инвалид қўшнисидан бир пойдан оқ-қора пийма топиб берди. Кийиб олдим. Бозор қайдасан, деб йўлга тушдим. Бошимда тивит рўмол, бир оёғимда оқ, бир оёғимда қора пийма. Ўтган-кетган қараб кулади. Болалар: «Ана, масхарабоз!», «Ура, цирк келибди!» деб чувиллашади. «Ўзи қопқора экан, Африкадан бўлса керак», деб чапак чалишади. Мен парво қилмайман. Сенларга кулги, менга жон керак, деб болаларга кўз қисаман. Улар бозорчага ортимдан эргашиб борди.

Хуллас, баданим исиб, жоним кириб қолди. Лекин бозорим қизимади. Анорни доналаб сотишга ўтдим. Доналаб қачон бўламан-у, қачон уйга кетаман, деб хунобим чиқади. Бир хаёлим, бор-э, деб чамадонни ағдариб, ҳалиги ҳамюртларимга арзон гаровга пуллаворгим келади. Ҳар бири манави чойнакдек келадиган туятиш жониворларни кўзим қиймади. Не ҳасратда экиб кўкартирганман, қанча машаққат билан шундан-шунга олиб келдим. Бунинг устига Ҳасан ҳам беш-ўн кун сотадиганга ўхшаб турибди.

Азонлаб почтахонага бордик. Этик, пальто сўраб уйга телеграм бердик. Кечқурун энди овқатланиб бўлиб, чой ичиб ўтирган эдик, иккита мелиса кириб келди. Бири ёш, самбитдай. Иккинчиси кексароқ, сочи оқарган.

– Назаров шу ердан турадими? - деб сўради ёши улуғи.

– Менман, брат, келинг, – деб ирғиб турдим. Дўппимни кийиб олай деб, диван томонга ўтмоқчи эдим. Йигит мелиса ёнбошини ушлаб, пўписа қилди:

– Қимирламанг! Қуролга яқинлашманг! Жойингизга ўтиринг!

Ҳасан анграйиб қолди. Мен беихтиёр қўлларимни кўтариб стулга ўтирдим. Ҳасан ялинишга ўтди.

– Акалар, бу жиноятчи эмас, асл деҳқон. Ана, паспорт, справкалари бор.

Катта мелиса Ҳасанни уришиб берди:

– Гражданин, сиз аралашманг, ўзимиз текширамиз.

Мелисалар уйни енгилгина кўздан кечириб чиқишди. Кейин иккови мени ўртага олиб ўтирди. Ҳасан кастюмимдан ҳужжатларимни олиб келиб, мелисаларнинг олдига қўйди.

– Ҳурматли акахонлар, Назаров икковимиз деҳқонмиз. Тошкентни биласизлар. Шу Тошкентнинг нариёғида Нанай деган чиройли ер бор. Ана шу Нанайданмиз. Озгина деҳқончилик қилган эдик, сотиб турибмиз. Сотма десангизлар, майли, юртимизга кетаверамиз.

Мелисалар Ҳасан иккովимизнинг паспорту справкаларимизни инжиқлаб, роса текширишди. Нима бўбди, денг? Бир одам турмадан қочган экан. Унинг фамилияси Назаров экан. Бояги жиноятчининг бекиниб юрган шериклари бор экан. Бирининг лақаби Этик, бириники Пўстин экан. Бизнинг телегром мелисанинг қўлига тушибди. «Аҳвол танг. Этик билан пўстин юбор...» деган гапни улар ўзларича тушуниб, мени «йўқлаб» келишибди...

– Омад юрмаса қийин, – дедим Сувонқул аканинг кўнгли учун. – Ишқилиб, омон-эсон қутулдингизми?

– Қутулишга қутулдим-у, она сутим оғзимга келди. Кичик мелиса ҳужжатларимни қайта-қайта кўриб, ўрнидан турди.

– Бозорингизни қилаверинг. Аммо битта шартимиз бор. Паспортингиз ҳозирча бизда туради. Уйингизга телеграмма юбордик, Назаров. То жавоб келгунча, ё бозорда, ё уйда бўлинг. Келишдикми?

«Э, ҳайрият-э!» деб суюндим. Ярим чамадон анорни кўтариб бозорга лўкилладим.

Ниҳоят, бир куни мелиса йигит эшикдан кулиб кирди.

– Гражданин Назаров, мана ҳужжатларингиз, – деди честь бериб. – Узр, безовта қилдик, хизматчилик.

Қувонганимдан кўзимга ёш келди. Қўярда-қўймай, йигитнинг қўлига тўртта анор тутқаздим. «Бўлди энди, бир кун ҳам турмайман, – дедим Ҳасанга. – Уйга етадиган пулим бор. Параходга билет олиб бер, кетаман». Қарасам, Ҳасан хафа бўладиган. Ке, номардлик бўлмасин, бирга келдик, бирга кетайлик, деб уни яна икки кун кутдим...

– Қолган анорни нима қилдингиз, текинга улашдингизми? – деб сўрадим Сувонқул акадан.

– Текинга десаям бўлади, – уҳ тортди ҳамроҳим. – Беш килочасини Марпа холага бердим. Қолганини ошхонага ўтказдим. Хуллас, сени энди елкамнинг чуқури кўрсин, Туман, деб Нанайга қараб равона бўлдик. Уйга келсак, йиғисиғи, қариндош-уруғлар тўпланиб ўтиришибди. Нима бўпти денг? Ҳалиги мелисалар уйга хабар берганда «Бечора Сувонқул Сибирда қамалиб қолибди» деган гап тарқалибди. Янгангизнинг укаси билан тоғамнинг ўғли мени излаб, Сибирга кетишибди. Биз Ҳасан билан уйга кирганимизда улар Марпа холаникига бориб тушибди. Ке, қўй-чи, бир ҳафтада улар ҳам омон-эсон қайтишди-ю, уйда кун чиққандай бўлиб, қувониб қолдик...

– Тошкентга нима учун келганингизни айтмадингиз, ака...

– Хотиннинг бир уруғи шифохонада ётувди, шуни кўргани келувдим. Майда-чуйда олай, деб бозорга кирсам, ё қудратингдан, меникидан кичкина анорларни икки минг сўм деб ўтиришибди. Ана холос! Мен фойда кўраман, деб Туманга бориб ўтирибман. Бирам алам қилдики...

Шуни айтадилар-да, қаноатли муродига етар, беқаноат ўз оёғидан йитар, деб. Бегона юртда шармисор бўлгунча, ўз еримда дўппимни қийшиқ қўйиб, жонимни ҳузурига сотмайманми? Водариғ! Хўш, иним, гап билан бўлиб, соатниям уч қилибмиз. Энди бир мизғиб олайлик-а! Ҳадемай, Қўқонга келамиз. Кейин – Наманган.

Чироқни ўчириб ётдик. Эрталаб мен Наманганда тушиб қолдим. Сувонқул ака қайта-қайта қўлимни сиқиб, хайрлашаркан, тайинлади:

– Биз томонларга албатта ўтинг-а, иним? Кутаман. Шундай мактабнинг ёнига бориб, Сувонқул аканинг уйи қайси десангиз, ёш бола ҳам айтиб беради. Жуда бўлмаса, «африкалик масхарабоз», деб сўранг. Ҳозир қишлоқда мендан машҳур одам йўқ.

Поезд юриб кетди. Сувонқул аканинг қишлоғига боришни кўнглимга тугиб қўйдим. Ортимга қарасам, илжайиб дўстим Элмурод турибди.

– Ҳа, қитмир, ахири келдингми? Сенга кўзим учиб турувди ўзи...

**Саъдулла СИЁЕВ.**

(Охири. Боши ўтган сонда).

### Ҳаёт сабоқлари

## ФАРОСАТ

– Тақинчоғим қани? – ҳовлиққанча сўради Нозима.

– Ҳозир.

Мен тўғноғични тақишга кўзим қиймай, авайлаб рўмолчамга ўраб, жилдимга солиб қўйган эдим. Рўмолни очиб, қай кўз билан кўрайки, тўғноғичдаги қатор учта қизил кўзнинг ўртасидагиси тушиб қолибди. Бир қўлимда тўғноғич, иккинчисида унинг кўзи. Авайлаб эгасига тутқазмоқчи эдим, Нозима бирдан бақириб юборди:

– Одаммасакансан! Бу нарса қанча туришини биласанми?

Мен ерга қараганча:

– Кечир, дугонажон, уни уйга борибоқ ечиб қўйгандим, – дедим.

– Алдаяпсан. Сен фаросатсиз...

Нозима бор овозда шанғиллай бошлади. Шу пайт илмий бўлим мудиримиз Муяссар опа кўриндилар. Опадан ҳатто ўқитувчилар ҳам зир титрашарди.

– Нима гап? – дедилар у киши қўлларида бир даста калитни ўйнаганча.

Нозиманинг кўзлари дув ёшланди:

– Ҳаммасига манави лақма айбдор. Кеча дадам туғилган кунимга тўғноғич совға қилган эдилар. Бир тақиб кўрай девди, берсам, уйида битта кўзини тушириб келибди. Тақиб, ҳаммага мақтанган-да, бефаросат.

– Тўхта, ўзингни бос. Бир ташқарига чиқиб ювиниб кел, кейин гаплашамиз. Сизлар эса жўнанглар! – опа ўқувчиларни синф-синфларига тарқатмоқчи бўлдилар.



Опа эшикка етганларида, Нозима бирдан тутоқди:

– Биламан, ҳаммангиз бир гўрсизлар! Нуқул шу қишлоқининг ёнини оласизлар, унга бир оғиз сўз демайсизлар.

Опа биз томон битта-битта қадам босиб келдиларда, менга қараб:

– Қизим, сен ҳам нима қилардинг бировнинг нарсасини тақиб, – дедилар-да, Нозимага юзландилар. – Қани, юринглар хонамга, ҳаммасини ўша ерда ҳал қиламиз.

– Бориб бўпман. Тўғноғичимни тўлаб бермагунча, жойимдан жилмайман!

Нозима тескари қараганча, «э, сиз нимани ҳам тушунардингиз» деди ғўлдираб.

Балки Муяссар опа унинг гапларини англамагандирлар. Ҳақиқатан ҳам улар мактабга ортиқча тақинчоқлар тақиб келманглар, содда, ораста кийининглар, дея кўп уқтирардилар.

– Э, ким сенга бунақанги қимматбаҳо матоҳни мактабга тақкин деди.

– Қанақасига бу матоҳ бўлсин. Сиз ўзи биласизми, тўғноғичим неча пул туришини?

– Билишни ҳам, кўришни ҳам истамайман. Бас қил ўчакишишни!

– Бас қилмайман, айтинг, манави лапашанг аввал тўғноғичимни тўлаб берсин!

– Икковинг билан ҳам бошқа гаплашмайман! Овозингни ўчир!

– Сиз ўчиринг! – Нозима энди жазавага тушганди. – Тўғноғичимни синдирган у, айбдор у, нега нуқул менга ўшқирасиз? Унинг ҳам, сизнинг ҳам бунақанги бебаҳо тақинчоқларга на ақл-фаросатингиз, на пулингиз етади. Мен билмайманми, ўн йилдан бери битта соату, бир хил кийимда юришингизни? Шунинг учун ҳам манавинақа исқиртларнинг ёнини оласиз-да.

Шунда ҳаммани ҳайрон қолдириб, Муяссар опа умрида ҳеч қилмаган ишни қилди. Шаҳдам келиб, Нозиманинг юзига тарсаки туширди. Унинг тўғноғичи доскага бориб тегиб, иккига бўлинди. Йўлак ўқитувчи ва ўқувчиларга тўла, ҳеч ким миқ этмасди.

Нозима сочлари ёйилганча, юзини чангаллаб, уйи томон учиб кетди...

Кейинчалик эшитишимча, Муяссар опа ўша куниёқ директор номига ишдан бўшаш ҳақида ариза берибди. Нозиманинг ота-онаси бир неча марта туман халқ таълими бўлимига шикоят қилиб борибди.

Биз опани мактабда бошқа кўрмадик.

**Муҳайё ТЎЛАГАНОВА.**

### Шундан кейин

## ҚОЯДАГИ ҚИРҚТА РАСМ

**Жазоир олимлари мамлакатнинг Бешар туманидаги дарада қояга ўйиб солинган қирқта расмни аниқладилар.**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу расмлар саккиз минг йил аввал чизилган. "Суратлар галереяси" – ғор деворларида уй ва чўл ҳайвонлари тасвирланган. Олимлар бу ерда, шунингдек, қадимий сопол буюмлар ҳам топдилар.

## ХОТИРА РЎЙХАТИ ТАЛАБГОРЛАРИ

**ЮНЕСКО мутахассислари «Дунё хотираси» рўйхатига киритилиши мумкин бўлган ўттиз саккиз мамлакатдан юборилган элликка яқин янги аризани кўриб чиқади, деб маълум қилди ташкилотнинг матбуот хизмати.**

«Дунё хотираси» рўйхати 1997 йилда жорий қилинган бўлиб, ўзида турли халқларнинг урф-одат ва тилларини мужассам этган 120 муҳим ҳужжатдан иборат. Мисрдаги Сувайш канали тўғрисидаги ёзувлар, Хитойда Цин сулоласи давридаги (1644-1911 йиллар) ҳоқонлик имтиҳонларининг қўлёзма нусхаси, Намибия сардори Хендрик Витбойнинг мактублардан иборат кундалиги шулар жумласидандир.

### Рассом хандаси







**Шавкат МУЗАФФАР чизган расмлар.**

### Табассум

*– Кўп, афсус, – деди мсье Лоран уйнинг эгасига, – бу ойда мен ижара ҳақини тўлолмайман.*

*– Ие, бу қанақаси бўлди? Ўтган ойда ҳам шу гапни айтгандингиз. Ундан аввалгисида ҳам, уч ой олдин ҳам...*

*– Айтган бўлсам, гапимнинг устидан чиқмадимми?*

* * *

*Йўловчи ҳовлиқиб автобусга чиқди-ю, бекатда турган осма соатга кўз ташлади: саккизу ўн беш дақиқа. Кейинги бекатда йўловчи яна соатга қаради. Бу соат саккизу беш минутни кўрсатаётган экан.*

*– Ўзим ҳам билувдим-а, – деб хитоб қилади у, – шошилинчда тескари томонга кетаётган автобусга чиқиб олибман.*

* * *

*Барга шинам кийинган, қимматбаҳо сигара чекаётган бир одам кириб, теварак-атрофдагиларга назар ташлади-да деди:*

*– Шу шаҳардан кетганимга йигирма йил бўлди. Кетаётганимда чўнтагимда бор-йўғи эллик цент пулим бор эди. Уни менга бир киши қарзга берганди. У ҳаётми ҳали?*

*– Ҳаётман, ҳаётман, – деди қартайиб қолган киши олдинга ўтаркан.*

*– Сени кўрганимдан хурсандман. Энди менга яна эллик цент берсанг, сендан роппа-роса бир доллар қарз бўламан.*

---

Собир Раҳимов туманидаги тиббиёт билим юрти томонидан 2001 йилда Ташмухамедова Доно Нурмухамедовна номига берилган 486027 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"ҲАҚҚОНИЯТ" ҳуқуқий ёрдам адвокатлик фирмаси (ОКПО 21162942)

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Чилонзор-6, 60-уй, 14-хонадон манзилида қабул қилинади. **Тел: 173-39-00.**

Ўртачирчиқ туманидаги "ABSOLYUTTEKS" МЧЖ ўзининг устав жамғармасини 100 000 000 сўмдан 9936480 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

2002 йил 28 декабрда Содиқов Аҳмаджон Содиқович номига берилган Учтепа тумани, 24-квартал, 9-уй, 3-хонадонга тегишли уй план ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти педагогика коллежи томонидан 2005 йилда Маюсупова Муяссар Комиловна номига берилган ТN№263783 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов туманидаги 191-мактаб томонидан 2006 йилда Шагеева Руфина Рефатовна номига берилган O'R-SH № 0530000 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный кадастровый документ выданный в 2000 году Пулатовой Салимы Наджимовны по адресу: С. Рахимовский район, Себзор Марказ Ц-17/18 дом 33, 78 (нежилое помещение)

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Пскент тумани, Оҳангарон дарёси бўйидаги "Энергетик" боғ ва узумчилик ширкати 2007 йил 1 июлдан 15 августгача ажратилган ер майдонларини тафтиш, жамият аъзоларини қайтадан рўйхатдан ўтказиш, аъзолардан қарзларни ундириш ишларини олиб боради.

Қайтадан рўйхатдан ўтмаган шахслар "Энергетик" боғ ва узумчилик ширкати аъзолигидан ўчириладилар.

Шикоятлар қабул қилинмайди.

**Маъмурият.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 3748. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 2 3 4 5 6